Миннатдорлик

Шу йил 16 февраль куни Тошкент шаҳрида рўй берган фожиали ҳодисалар муносабати билан менинг номимга кўплаб хорижий давлатларнинг бошлиқлари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, жамоат арбоблари, таниқли фан ва маданият намояндалари, чет эл фирма ва компаниялари вакиллари, минглаб ватандошларимиздан ҳамдардлик туйғулари изҳор этилган мактуб ва телеграммалар келмоқда.

Ўзбекистон бошига тушган мусибатни ўз дарди деб билган, шу оғир дамларда кўнглимизни сўраб, маънавий мадад берган узоқ-яқиндаги барча дўстларимизга халқимиз номидан, қабиҳ ният билан уюштирилган террорчилик хуружи натижасида қурбон бўлган бегуноҳ инсонларнинг ота-оналари, оила аъзолари, ёру биродарлари номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Марҳумлар хотираси олдида, уларнинг қариндошуруғлари олдида яна бир бор бош эгиб, бу машъум фожиадан бениҳоя қайғу ва азият чекаётганимизни изҳор этаман.

Содир бўлган мудҳиш воқеаларга ўз муносабатини ифодалаб, минг-минглаб хат ва телеграммалар, матбуот орқали чиқишларида ёвуз кучларнинг кирдикорларини кескин қоралаган, барчамизни хушёр ва сергак бўлишга, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асрашга, ҳимоя қилишга, бепарволик, лоқайдлик кайфиятларига йўл қўймасликка, дўсту душманни таниб олишга даъват этиб фикр билдираётган юртдошларимизга, бутун халқимизга яна бир бор таъзим қиламан.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Жаҳон тан олувчи илмимиз

Оврўполик табиатшунос Э. Эверсман шарқ тиббиёти қаршисида таъзим қилиб, Бухоро табобатини ўргана бошлаган экан. Бизда азалдан иссиқ-совуқ дегандай мижозга қараб даволаш усулига дуч келган мағриблик ҳайратда қолган. Эверсман тиббиётимизни ўлкадошларига суюнчилашига сабаб, бизда беморларни даволаш усули ўзларидаги Браун тузилмасига ўхшаб кетишлигини тан олади. Ҳа, юртимизга элчи бўлиб келган Э. Эверсман 1823 йилда «Оренбургдан Бухорога саёҳат» китобини нашр эттириб, шифобахш гиёҳлардан дори-дармон тайёрлайдиган табиб боболаримизга маънавий таъзимини яширмайди.

Ўткир ПЎЛАТОВ

Бензин магнитланади?..

Магнитнинг турли хусусиятларини физик олимларгина эмас, оддий фуқаролар ҳам яхши билишади. Гурланлик ҳаваскор тадқиқотчи Собир ака Солаев яратган ихтиро — ихчамгина ускуна енгил машиналарга бензинни магнитлаб узатиш вазифасини бажаради. «Магнитланган бензин»нинг фойдаси нимада, деб сўрашингиз табиий.

«Магнитланган бензин аввало машина двигателида яхши, қолдиқсиз ёнади. Бунинг устига агарда «Москвич» автомашинаси юз километр масофани босиб ўтиш учун одатда 10 литр бензин сарфласа, махсус магнитловчи ускуна ёрдамида ёнилғи сарфи 7 литргача камаяди», — дейди ихтирочи Собир Солаев.

Турли ихтирочиликка ўч йигитлардан бири — Собир аканинг шогирди Шарофиддиннинг енгил машинасига ўрнатилган дастлабки ана шундай ускунани кўриб, кўпчилик ҳайрон ва таажжубда.

Шарофиддин айтади: «Магнитланган бензин машинанинг тезлигини оширишга ҳам катта кўмак беряпти. Ўт олиши осон, товуши паст».

Собир Солаевнинг бу ихтироси ҳозирча ҳеч қаерда қайд қилинмаган. Аммо, вақт келиб у қонуний баҳосини олиши ва... ким биладики, энг буюк кашфиётлар сирасига ҳам кириши мумкин.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Хомашё — маҳаллий, технология — хорижий

Яқинда Самарқандда «Белсамгилам» Ўзбекистон-Бельгия қўшма корхонаси ўз ишини бошлади. Бу ерда тўқилаётган чиройли гиламлар сифат жиҳатидан жаҳон андозаларига мосдир. Негаки, маҳаллий хомашёдан тайёрланаётган ушбу маҳсулот Бельгия технологияси асосида ишлаб чиқарилаётир. Қувонарлиси шуки, гиламлар хорижликларга ҳам манзур бўлмоқда.

Умматали ТЎРАХОНОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 23 февраль, сешанба • № 23 (24.418).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Чуқур ҳамдардлик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

16 февралда портлаш содир этилгани тўғрисидаги хабарни эшитиб ҳайратга тушдим. Лекин Сиз Президент Жаноби Олийлари шикастланмаганлигингиз тўғрисидаги хушхабардан эса кўнглим таскин топди. Афсуски, бу портлашлар оқибатида одамлар ҳалок бўлган. Шу сабабли Сиз Жаноби Олийларидан жабрдийдаларга ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига менинг ҳамдардлигимни етказишингизни илтимос қиламан.

Террорчилик ҳаракати айбдорларини мен ҳеч қачон кечира олмайман. Сиз Жаноби Олийларидан бундай ёвуз ҳаракатлардан тушкунликка тушмасликни, балки Ўзбекистон барқарорлиги ва тараққиёти учун бутун куч-ғайратингизни сафарбар этишни сўрайман.

Кейдзо ОБУЧИ,
Япония Бош вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

1999 йил 16 февралдаги террорчилик ҳаракати оқибатида Тошкент шаҳри тинч аҳолисидан айримлар ҳалок бўлганлиги ҳақидаги хабарлар туфайли қалбимизга тушган қайғуни сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Президент Жаноби Олийлари, Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига Корея Республикаси ҳукумати ва фуқаролари номидан содир бўлган фожиа туфайли ҳамдардлик изҳор қиламиз.

Бундай террорчилик ҳаракатлари такрорланмаслиги учун жиноий кучларга қарши курашни кучайтириш юзасидан барча чоралар кўрилишига ишонаман. Шунингдек, Президент Жаноби Олийлари, Ўзбекистоннинг барча фуқаролари Сизнинг раҳбарлигингизда террорчилик ҳаракати туфайли етказилган зарбани, мусибатни тез орада енгиб, бутун кучини мамлакат тараққиётига ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фаровонлигини оширишга сарфлашига ишончимизни изҳор қиламиз.

Ким Дэ ЧЖУН,
Корея Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ҳаётингизга суиқасд қилингани тўғрисидаги хабарни эшитдим. Бу, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистоннинг Сизнинг раҳбарлигингизда гуллаб-яшнаган буюк давлат бўлиш мақсадига эришувини кўра олмайдиган кучларнинг ҳаракатидир. Мен ва Покистон халқи Сизнинг шахсан эсон-омон ва соғ бўлишингиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси дўст халқининг хавфсизлиги ва равнақ топишини сўраб Аллоҳга илтижо қиламиз.

Аллоҳ Сизни ўз паноҳида асрасин.

Муҳаммад Навоз ШАРИФ,
Покистон Ислом Республикаси Бош вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Сизни ҳаётингизга қасд қилган жиноятчилар хуружидан асраб қолгани учун Яратганга шукрона айтамиз. Уларнинг уринишлари барбод бўлди, Аллоҳ Сизни ўз паноҳида асраб қолди!

Қувайт халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни ва қардош халқингизни Сизнинг омон қолганингиз билан табриклайман ва ушбу террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлганлар хотираси олдида Сиз билан бирга қайғураман.

Қудратли Аллоҳ Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига барқарорлик, хавфсизлик ва фаровонлик ато қилсин!

Ассалому алайкум ва раҳмату Аллоҳ ва баракотуҳу!

Жобир Ал Аҳмад Ас-Сабоҳ,
Кувайт давлати амири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

16 февралда портлаш содир этилгани тўғрисидаги ахборотни олиб, ҳайратга тушдим. Лекин Сиз, Президент Жаноби Олийлари, жабрланмаганлигингизни билиб хотиржам бўлдим. Афсуски, бу портлашлар натижасида одамлар қурбон бўлибди ва мен Сиз, Жаноби Олийларидан жабрланганларга ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига ҳамдардлигимни етказишингизни илтимос қилар эдим.

Сиз, Жаноби Олийларидан бундай разилона террорчилик ҳаракатларидан тушкунликка тушмай, бутун кучингизни Ўзбекистон барқарорлиги ва тараққиётига сафарбар этишни сўрайман.

Таро АСО,
Япония вакиллар палатаси депутати

Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислом Каримовга

Муҳтарам Президент,

Сизга қарши уюштирилган террорчилик ҳаракатидан жабрланмаганлигингизни эшитиб, енгил нафас олдим. Мен Ўзбекистондаги барқарорлик ва мустақилликни Евроосиёда халқаро осойишталикнинг энг асосий омили деб ҳисоблайман, бунга мен яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Сизга ва Ўзбекистон халқига энг яхши истакларимни йўллайман ва сўнгги учрашувимизни зўр мамнуният билан эслайман.

Самимий эҳтиром билан,

Збигнев Бжезински,
Стратегик ва халқаро тадқиқотлар марказининг маслаҳатчиси,
Вашингтон, АҚШ

(Давоми 2-бетда)

Зуламатнинг хуружи

Бундан уч ҳафта аввал шонли пойтахтимиз Тошкентнинг муҳташам «Туркистон» саройида шеърият ва санъат кечаси ўтказилди. Унда қатнашган кишилар нурли Истиқлолимизни мадҳ қилди, ҳофизлар халқимиз бахту саодатини тараннум этдилар. Чексиз шодлик, бетакрор фахру ғурур ҳукм сурарди ўшанда... Кейин ҳаммамиз: шоиру санъаткорлар ҳам, томошабинлар ҳам кошонадан майдонга — доврўғи жаҳонга ёйилган Мустақиллик майдонига чиқдик. Бу ерда Хотира иншооти қуриляпти. Меъморлар, усталар билан суҳбатлашдик. Ҳаво мусаффо, Ўрда анҳорида сув сокин, тиниқ, шаҳардаги ҳаракат бир меъёрда, осойишта, тинч...

Халқ иш, ижод, яратиш билан машғул ўшал сокин кунларда Истиқлолимиз ва Истиқболимизнинг шум ғанимлари шаҳарнинг аллақайси чекка гўшаларида писиб, халққа, Ватанга, тинчлик ва истиқлолга қарши қаратилган қабиҳ режаларини тузаётганликлари, тузибгина қолмай, тезкор амалга ошириш устида жон-жаҳдлари билан ишлаётганликлари хаёлимизга ҳам келмаган эди. Бундай бепарволигимизнинг сабаблари кўп, бироқ энг катта сабаби — муҳтарам Президентимизнинг такрор-такрор огоҳлантиришларига гумроҳлик билан эътибор бермаганлигимиздир. Ахир, Ислом Каримов ҳар бир нутқи, ҳар бир мақоласида, бул тарихий ҳужжатлар жамланган китобларида Истиқлол душманларининг шум ниятлари, машъум ҳаракатлари, чиркин мақсадлари ҳақида халқни, ҳар биримизни қайта-қайта огоҳлантирдилар-ку!

Мустақил давлатнинг осмондан тайёр ҳолда тушмаслиги, уни тубпойдеворидан юксак минорасидаги чақноқ юлдузигача халқнинг қўли билан қуриш зарурлиги ҳақидаги доно фикр бутун халққа, ҳар бир фуқарога ҳар кун, ҳар соат тушунтириб, уқтириб турилди.

Президентнинг Самарқанд вилояти халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи замон ва жамият муаммоларининг энг долзарб, чуқур таҳлилидир. Ва айни замонда халқ учун адолатга, якдилликка, поклик ва ҳалолликка, раҳбарлар учун эса, адолату садоқатга даъватдир.

Тошкентда содир бўлган мудҳиш жиноят мустақил давлатимизнинг ҳар бир фуқаросини ҳушёрликка даъват этади. Кўзимиз очилди, виждонимиз уйғонди. Пойтахтимизда содир бўлган мудҳиш воқеалар ҳар бир фуқаро учун, ҳар бир раҳбар учун қаттиқ огоҳлантиришдир. Кимки, Ватанни, Озодликни, Истиқлолни севса, кимгаки, Она замин қадрли, муқаддас бўлса, кўзини очсин, ҳушёр тортсин, оқни қорадан, дўстни душмандан ажрата билсин!

Вайрон бўлган бинолар тикланади, чил-чил синган ойналар янгиланади, шаҳар жароҳатларини қўли гул усталаримиз тузатиб, даволаб, орасталайдилар. Аммо, дил жароҳатларини даволаш, халқ аламига, надоматига шифо топиш осон иш эмас. Ота-оналарга ҳалок бўлган фарзандларини ҳеч ким қайтариб бераолмайди.

Разил, шафқатсиз душманлар — Ватан ва Истиқлол душманлари заҳарли ханжарларини халқнинг вужудига санчдилар.

Инсонлар юрагидаги, бу оғир жароҳатни фақат халқ меҳри, Ватан мадади, бир-бирларига меҳрибонликлари даволаши мумкин.

Шу оғир соатлар, қийин кунларда муҳтарам Президентимиз атрофига қаттиқ жипслашайлик. Бир-биримиз билан ҳар қачонгидан кўра яқин, дўст, меҳрибон бўлайлик.

Муқаддас заминимиз осмонида ҳилпираб турган байроғимизни ҳеч қандай ёвуз куч, ҳеч қандай мудҳиш довул пастга туширолмайди.

Мен Истиқлолимизнинг биринчи кунларида ёзган озодлик мадҳимни ҳамон баралла куйлайман.

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Ассалом, ўзбегим

Ассалом, улуғ халқ ўзбегим,
Дили пок, қутлуғ халқ ўзбегим.
Ассалом, ҳур тақдир, истиқлол,
Иқболим, шарафим, ўзлигим.

Тонг билан янграйди мадҳиям,
Порлайди юксакда қуёшим.
Йўл кўркам, эл кўркам, дил кўркам,
Карвонинг бошлайбер, юртбошим!

Меҳнатда чиниққан эл улуғ,
Улуғдир чароғон Истиқбол.
Мард халқим, эрк шараф, эрк қутлуғ,
Бахтингдир абадий истиқлол.

Тонг билан янграйди мадҳиям,
Порлайди юксакда қуёшим.
Йўл кўркам, эл кўркам, дил кўркам,
Карвонинг бошлайбер, юртбошим!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Биз Америка Қўшма Штатларида таълим олаётган «Умид»чи ёшлар 16 февралда юртимиз пойтахти Тошкентда содир бўлган ноҳуш ҳолатдан бениҳоя қайғуга тушдик. Бизлар Она юртдан қанчалик йироқда бўлсак-да, халқимиз бошига тушган оғир мусибатни эшиттач, воқеа сабабчиларига нисбатан қалбимиз нафратга тўлди.

Сиз орқали бутун ўзбек халқига, шу жумладан бегуноҳ қурбон бўлганларнинг оила-аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз. Халқимизга сабр-тоқат, бардамлик, тинч-тотувлик ҳамда юртимиз тинчлик-осойишталигида Яратгандан Сизга узоқ умр тилаб қоламиз. Аллоҳ Сизга доимо мададкор бўлсин!

Ишончимиз комилки, Сиздек юртбошимиз бор экан, мустақиллик улғайтираётган янги авлод бор экан, мамлакатимиз тинчлик-фаровонлигини кўра олмаган ҳамда Сизнинг ҳаётингизга суиқасд қилмоқчи ҳар қандай ёвуз кучларнинг ғаламис ниятлари ҳеч қачон амалга ошмайди.

Ўз ўрнида бизлар ҳам азиз Ватанимизга қайтгач, қўлимиздан келган бор кучимизни юртимиз ривожи ва халқимиз фаровонлиги учун сафарбар этиб, Сизнинг ишончингизни оқлаймиз, деб ваъда берамиз.

Чексиз ҳурмат ила:
Азиз АБДУСАТТОРОВ,
Азиз МАҲАМАДАМИНОВ,
Акбар ХОЛМУРОДОВ,
Баҳодир ШАРИПОВ,
Бобур ШАМСИЕВ,
Фаррух САЙФУТДИНОВ,
Гулчеҳра ОБИЛОВА,
Хондамир КАРИМОВ,
Лайло УСМОНОВА,
Равшан НУРИДДИНОВ,
Рустам ИМОМАЛИЕВ

Ғаламисларнинг пайи қирқилиши муқаррар!

Навоий вилояти Нурота тумани ҳокимлигида туман фаолларининг Тошкентда бўлган мудҳиш воқеага нисбатан муносабат билдиришга бағишланган йиғилишини туман ҳокими М. Тўйчиев очиб, Тошкентда 16 февралда бўлиб ўтган ёвуз ниятли қўпорувчиларнинг хатти-ҳаракатлари хусусида гапирди.

Мустақилликгача машаққатларни бошдан кечирган халқимиз учун мустақилликнинг эълон қилиниши юртбошимиз И. А. Каримовнинг ўзига хос донолиги, жасорати ва қаҳрамонлиги меваси эди! Йўлбошчимиз раҳбарлиги остида 7 йил ичида биз 70 йил эришмаган ютуқларни қўлга киритдик! Бу йиллар мобайнида Ўзбекистонда автомобилсозлик, самолётсозлик, нефть саноати, нодир металлар саноати ва бошқа соҳалар гуркираб ривожланди. Шаҳарларимиз обод ва кўркам бўлганлиги-чи! Тарихий қадриятларимиз тикланганлиги-чи! Булар — мустақиллигимиз шарофати-ку аслида. Бу ютуқлар ва ислоҳотларнинг алп қадамлар билан бориши кимларгадир ёқмади шекилли, ғаламислик, пай қирқишдек ифлос йўлга кирибди. Ўзларининг пайи қирқилиши муқаррар!

Турсун ЭРГАШЕВ,
Эркин АБДУЛЛАЕВ,
Навоий вилояти, Нурота тумани

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 23 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади**

1 Австралия доллари	71,87	1 Польша злотийси	29,37
1 Австрия шиллинги	9,0	1СДР	154,66
1 Англия фунт стерлинги	182,56	1000 Туркия лираси	0,32
10 Бельгия франки	30,78	1 Финляндия маркаси	20,88
1 Голландия гульдени	56,35	1 Франция франки	18,93
10 Греция драхмаси	3,86	1 Швейцария франки	77,67
1 Дания кронаси	16,71	1 ЕВРО	124,17
1 БАА дирхами	30,66	10 Жанубий Корея вони	0,93
1 АҚШ доллари	112,62	10 Япония иенаси	9,25
1 Миср фунти	33,00	1 Россия рубли	4,93
10 Испания песети	7,46	1 Украина гривнаси	32,33
100 Италия лираси	6,41	1000 Беларусь рубли	0,63
1 Канада доллари	75,67	1 Латвия лати	194,17
1 Хитой юани	13,60	1 Литва лити	28,16
10 Люксембург франки	31,78	1 Молдова лейи	12,89
1 Малайзия рингити	29,64	1 Қирғизистон соми	3,69
1 Германия маркаси	63,49		

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Чуқур ҳамдардлик

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари, Кеча Тошкентда даҳшатли портлаш содир этилиб, бегуноҳ фуқаролар фожеали ҳалок бўлганини эшитдим ва чуқур қайғуга тушдим. Бу шафқатсиз ҳаракатда ҳалок бўлган ва жароҳатланганлар оилаларига менинг ҳамдардлигимни етказишингизни илтимос қиламан. Уларнинг ҳаммаси учун Яратганга ибодат қиламан.

Сизга маълумки, бундай зўравонлик ҳаракатлари Қўшма Штатларга нисбатан ҳам содир этилган эди. Американинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналари бу ҳаракатларнинг сўнгги қурбонларидир. Маърифатли дунёда бундай хунрезликка тоқат қилиб бўлмайди. Шу вақтга қадар Ўзбекистон мустаҳкамлик рамзи ва бутун минтақада барқарорлик калити бўлиб келган эди. Бу воқеалар Сизнинг миллий истиқлол ва мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятингизни, мамлакатингизни демократиялаш, тараққиёт, қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги қатъиятингизни ўзгартира олмайди, деб умид қиламан.

Сизга ва халқингизга, айниқса, бу ҳодиса туфайли жабрланган ёки севимли кишиларидан жудо бўлганларга чуқур ҳамдардлигимни яна бир бор изҳор қиламан. Сизга сиҳат-саломатлик ва хотиржамлик тилаб, энг эзгу истакларимни йўллайман.

Самимий ҳурмат билан,
Сэм БРАУНБЕК,
АҚШ сенатори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
Тошкентда юз берган даҳшатли террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги хабарни эшитиб, ларзага тушдим. Бу хуруж чоғида ярадор ва ҳалок бўлган кишиларга ачинишим ва ҳамдардлигимни изҳор этишни истар эдим. Бундай ҳаракатларни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди, терроризмнинг барча шакллари машъум ва манфурдир.

«Доновант Энтерпрайзис» компанияси номидан Ўзбекистон халқига тинчлик, барқарорликка тезроқ қайтиш ва олға томон ҳаракат қилиш истагимни изҳор қилмоқчиман. Олға ҳаракат эса Сизнинг доимий мақсадингиздир.

Эҳтиром ва энг яхши истаклар билан,
Уильям ДОНОВАНТ,
«Доновант Энтерпрайзис» компанияси бошқаруви раиси ва бош ижрочи директори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,
Биз, «Боинг» компанияси ходимлари Ўзбекистон пойтахти Тошкентда яқинда содир бўлган воқеалардан қаттиқ ташвишдамиз.

Шу зўравонлик ҳаракатлари оқибатида одамлар ҳалок бўлгани муносабати билан мамлакатингизга чуқур ҳамдардлик изҳор этишни хоҳлар эдик. «Боинг» компанияси сўнгги бир неча йил давомида Ўзбекистон билан жуда яхши муносабат ўрнатиб, тижорат авиацияси ва самолётлар ишлаб чиқаришнинг кўп соҳаларида ҳамкорлик қилмоқда. Мамлакатингиз эришган тараққиётни кўриб, қойил қолмоқдамиз ва террорчилик ҳаракатидан Сизга зарар етмаганини эшитиб жуда хурсанд бўлдик.

Шу мусибатли воқеалар муносабати билан ҳамдардлигимни яна бир карра қабул қилгайсиз.

Самимий эҳтиром билан,
Алан МУЛАЛЛИ,
«Боинг» компанияси тижорат самолётлари гуруҳининг президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,
Аллоҳнинг шафқати билан ёвуз ният барбот бўлди. Буюк кишилар зиммасига катта масъулият тушади ва улар кўп хавф-хатарларга дуч келадилар. Мен Ўзбекистоннинг оддий кишилари билан мулоқотда бўламан. Халқингиз Сизни жуда севишини билишингизни истар эдим. Улар Сизни буюк даҳо ва асримизнинг Амир Темури деб биладилар.

Ўзбекистоннинг АҚШдаги дўстлари Сизнинг Ўзбекистон фуқаролари эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланган ислоҳотларингиз дастурини қўллаб-қувватламоқдалар. Сизга узоқ умр ва мамлакатингиз давлатчилигини ривожлантиришда муваффақиятлар тилаймиз. Танлаган йўлингизда тўхтаманг, муваффақиятлар Сизга ёр бўлсин.

Самимий эҳтиром билан,
Е. Ж. МИЛЛЕР,
«Интерконтинентал» тижорат корпуси президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,
Тошкентда 16 февралда содир этилган фожиали воқеалар муносабати билан Франкфурт-Майндаги «Дрезднер Банк АГ» қарорғоҳи жамоаси номидан ва раҳбаримиз топшириғига биноан, шахсан Сизга ва Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Биз террорчиликнинг барча кўринишларини қатъиян қоралаймиз ва Сизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз, деб ишонтирамиз.

Фожиали ҳалок бўлган ватандошларингиз оилалари ва қариндош-уруғларига ҳамдардлигимизни етказгайсиз.

Чуқур эҳтиром билан,
Норберт МАЙЕР,
«Дрезднер Банк АГ»нинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси раҳбари

Аллоҳ-таоло номи билан Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум!
Сиз Жаноби Олийларининг куни кеча ёвуз мақсадларда уюштирилган суиқасддан, худога шукурки, зиён-заҳмат етмай, соғ-омон қолганингиздан қувондик. Шу муносабат ила Сиз Жаноби Олийлари ва бутун Ўзбекистон халқини чин қалбдан қутлайман.

Шу билан бирга, бир неча бегуноҳ кишиларнинг қурбон бўлиши ва яраланишига олиб келган бу машъум террорчилик хатти-ҳаракатлари рўй берганидан қаттиқ таассуф ва чуқур қайғуда қолдик.

Эрон Ислом Жумҳурияти террорчилик қурбонларидан бири сифатида доимо бундай хатти-ҳаракатларни қоралаб келган.

Яна бир бор мазкур ҳодисани амалга оширган ёвуз ниятли кишиларга нисбатан ўз ғазаб ва нафратимни изҳор этишни лозим деб биламан.

Аллоҳ-таолодан Сиз Жаноби Олийларига соғ-саломатлик, шунингдек, ҳалок бўлганларга мағфират ва уларнинг оила аъзолари, қариндошуруғларига сабру тоқат ҳамда мусулмон Ўзбекистон халқига тинч-фаровон ҳаёт тилайман.

Муҳсин ПОКОЙИН,
Эрон Ислом Жумҳуриятининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислом Каримовга

Муҳтарам Президент жаноблари,
Сизга Америка-Ўзбекистон савдо палатасининг президенти сифатида мактуб йўллаб, 16 февралдаги ашаддий террорчилик ҳужуми муносабати билан Ўзбекистон ҳукуматига ва халқига ҳамдардлигимизни изҳор қиламан. Ўзбекистоннинг миллий мотам кунида Американинг Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлик қилаётган етакчи хусусий компаниялари вакили бўлган Америка-Ўзбекистон савдо палатаси Тошкентда содир этилган ва фуқароларингизнинг ҳалок бўлишига, жароҳатланишига олиб келган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралайди.

Сизнинг шахсий хавфсизлигингизга путур етмагани Америка-Ўзбекистон савдо палатаси директорлар кенгашига ва аъзоларига куч бағишламоқда. Пайти келганидан фойдаланиб, Америка-Ўзбекистон палатаси ташкилотимизнинг мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги амалий алоқаларни, дўстликни мустаҳкамлаш ишига доимий содиқлигига Сизни ишонтиради.

Жаноб Президент, шу қийин даврда Сизнинг мамлакатингиз билан бирдамлик белгиси сифатида Сиз билан учрашиш учун Америка бизнеси раҳбарлари делегациясига бош бўлиб келгуси ҳафтада Тошкентга боришни истар эдим.

Самимий тилаклар билан,
Лоуренс КУРЛАНДЕР,
Америка-Ўзбекистон савдо палатаси президенти (АҚШ)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,
1999 йил 16 февралда Тошкентда содир этилган террорчилик муносабати билан «Бэйтман» компаниялари гуруҳи номидан чуқур ҳамдардлигимни изҳор қилмоқчиман. Биз Ўзбекистон халқининг бу фожиа туфайли бошига тушган мусибатига шерикмиз.

«Бэйтман» бундан буён ҳам икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш йўлида Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини давом эттиришига амин бўлаверинг.

Самимий эҳтиром билан,
Е. МЕНДЬЮК,
«Бэйтман Проджект Холдингс Лимитед»нинг Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича вице-президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,
Мен Ўзбекистонда яқинда бўлган воқеаларни диққат билан кузатиб турдим ва Сизга ҳамда халқингизга ўз ҳамдардлигимни изҳор қилишим зарурлигини сездим. Бу даҳшатли воқеа оқибатида жабрланган барча кишиларнинг мусибатига биз ҳам шерикмиз. Миллий мотам кунида биз хаёлан Сизлар билан биргамиз.

«Катерпиллер» компанияси бундай террорчилик ҳаракатларини қатъий қоралайди. Президент жаноблари, «Катерпиллер» Сиз ва Ўзбекистон Республикаси билан узоқ муддатли муносабатларни ривожлантиришга бундан буён ҳам ҳаракат қилаверади, деб Сизни ишонтиришга рухсат этгайсиз. Сизнинг хавфсизлигингизга зарар етмаганини эшитиб хотиржам бўлдик.

Самимий эҳтиром билан,
Глен БАРТОН,
«Катерпиллер» компанияси раиси ва бош ижрочи директори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!
Пойтахтимиз Тошкентда террорчилар томонидан уюштирилган ёвузлик миллион-миллион касаба уюшмалари вакилларининг қалбини, вужудини ўртади, ғазабга солди. Сизнинг азиз жонингизга қилинган суиқасд бутун ўзбек халқига, миллатимизга, юрт истиқболига қилинган тажовуз деб биламиз. Бегуноҳ одамлар умрига зомин бўлган, халқ тавқи лаънатига учраган қора кучлар шукроналар бўлсинким, машъум ниятларига етолмадилар. Ўта қалтис, таҳликали кезларда Сиздаги метин ирода, шижоат «Мен учун энг муҳими — халқимнинг омонлиги, тинчлиги, керак бўлса, халқим учун жонимни беришга тайёрман», деган оташнафас сўзларингиз қалбимизга малҳам бўлди, руҳимизни кўтарди, иродамизни мустаҳкамлади.

Ғанимлар билиб қўйишсинки, террор, суиқасд билан ўзбек халқини асло енгиб бўлмайди.

Биз ҳам Сиздек ғамхўр соябонимизни жондан ортиқ кўрамиз. Ҳамиша, ҳар қандай шароитда ҳам содиқ қолиб, Яратгандан Сизга узоқ умр, соғлик-омонлик тилаймиз. Ватан равнақи, халқ бахт-саодати йўлидаги ишларингизда биз Сиз билан ҳамиша ҳамнафасмиз.

Биз — касаба уюшмалари вакиллари ўз инсоний, виждоний бурчимизни адо этиб, террорчиларнинг ёвузлиги оқибатида қурбон бўлганлар ҳурматини жойига қўямиз, уларнинг оилалари, фарзандларига моддий, маънавий мадад кўрсатамиз.

Ёвузлар, албатта, ўз жазосини олади. Истиқлолимизнинг музаффар карвони дадил одимлайверади. Бизнинг юрагимиз Сизнинг юрагингизга туташдир. Зеро Ватанга, демакки, Йўлбошчимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатимиз, садоқатимиз, фидойилигимиз бизни ҳар қандай бало-қазодан асрайди. Халқимиз, Истиқлолимиз бахтига азиз бошингиз омон бўлсин!

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси

Телерадиокомпания жамоаси Сиз билан!

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!
1999 йил 16 февраль куни пойтахтимиз Тошкентда рўй берган мудҳиш террор бизни, Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг кўп минг сонли ходимлари қалбини ларзага солди. Миллий истиқлолимизнинг ашаддий душманлари мустақиллигимиздан, халқимизнинг осойишта ҳаётидан, мамлакатимизнинг тобора ошиб бораётган куч-қудратидан саросимага тушган ёвуз кучлар шундай жиноятга қўл урдилар.

Қонхўрларнинг мақсади энг аввало Республика Президентини йўқотиш эди. Чунки улар Наманганда, Фарғона водийсида бузғунчиликнинг энг қабиҳ усулларини бир неча бор қўллаб кўрдилар. Аммо натижа чиқмади. Шундан сўнг улар юртнинг сиёсий ва ғоявий раҳбарини йўқотмай туриб разил мақсадга эриша олмаймиз, деган қарорга келдилар, ва, шу йўл билан халқимизни ломонга айлантиришни, Сизни йўқ қилиш орқали нафақат Ўзбекистондаги, балки бутун Ўрта Осиёдаги вазиятни издан чиқаришни режалаштирдилар. Яратганга шукрлар бўлсинки, бундай олчоқ кимсаларнинг разилона режалари амалга ошмади. Халқимизнинг бахтига, келажак авлодлар бахтига Сизни худонинг ўзи асради. Оллоҳнинг бу иноятн учун минг марталаб шукроналар айтамиз.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!
Бўлиб ўтган мудҳиш воқеа ҳаммамиз учун унутилмас фожиа, айни чоғда, аччиқ сабоқ бўлди. Биз Президент — Ватан Байроғи, Ватан Герби, Ватан Мадҳияси каби азиз ва муқаддас эканини, Президентни асраш Ватанни, халқни, қадриятларни асраш эканини яна бир бор чуқур ҳис қилдик.

Биз — телерадио ходимлари республикада телевидение ва радиони юксалтириш йўлидаги ғамхўрликларингизни ҳар нафасда ҳис қилиб турибмиз. Мустақиллигимизнинг ўтган 7 йилида Сизнинг имзоингиз билан телерадиони ривожлантиришга йўналтирилган иккита Фармон, тўртта ҳукумат қарори қабул қилинди. Жаҳондаги энг йирик фирмалардан бири бўлган «Сименс»дан олиб келинаётган миллиард-миллиард сўмлик энг замонавий телерадио техникалари ҳам Сизнинг бизларга бўлган алоҳида эътиборингиз эканини ҳар биримиз биламиз ва юрагимиздан қадрлаймиз.

Муҳтарам Президент!
Биз, телерадио журналистлар Сиз танлаган ва жасорат билан одимлаб бораётган адолатли йўлда ҳамиша Сиз билан бирга, Сизнинг ёнингизда бўламиз. Бор кучимизни, қаламимизни, телекамераларимизни, радио тўлқинларимизни Сизнинг улуғ мақсадларингизнинг ушалишига, халқимизнинг бахтли ҳаёти, порлоқ келажагига хизмат қилишга бағишлаймиз.

Экстремистик, террористик гуруҳларнинг барча кўринишларига нисбатан шавқатсиз бўламиз, уларнинг ёвуз, қонли қилмишларини таҳлил қилиш, фош этиш ҳар биримизнинг Ватан олдидаги, Сизнинг олдингиздаги муқаддас бурчимиз, деб ҳисоблаймиз.

Халқимизнинг бахтига, бизнинг бахтимизга ҳамиша соғу саломат бўлинг.

Эҳтиром билан
Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси
(Баёнот Телерадиокомпания жамоасининг умумий йиғилишида қабул қилинди)

Сўрама...

Бомбалар зарбидан бағрингда тутун,
Халқим, тобутларни кўтардинг бугун.
Зулматда ётганди, қўзғолди ногоҳ,
Миллат душманидан халқим бўл огоҳ.

Сўрама у тобут экан кимники,
Билгин у меники, билгин сеники.

Нокаснинг азалдан нияти ҳам паст,
Юртбошим жонига қилмоқ бўлди қасд.
Занжирбанд ўзлари, депсинди пича,
Қўрқитиб қўймоқчи бўлди ўзича.

Сўрама у тобут экан кимники,
Билгин у меники, билгин сеники.

Ҳақни деган халқмиз, Ҳақ бизни суяр,
Билингиз сўқирлар, худо бехабар.
Жазойингиз яқин, кунлар ўтади,
Бегуноҳ қурбонлар хуни тутади.

Сўрама у тобут экан кимники,
Билгин у меники, билгин сеники...

Аюбхон МУҲАММАД

✉ *Хатлар. Шошилинчномалар* ☎

Истиқлол биз учун ҳаёт-мамот

16 февраль куни Тошкентда содир этилган разиллик, Президент Ислом Каримов ҳаётига суиқасд, юртбошимизнинг шунга муносабат билдириб телевидение орқали айтган фикрлари халқимизни ларзага солди.

Ғаламислар содир этган ёвузликни эшитиб, онламиз аъзолари қаттиқ ғазабланди. Улар ҳеч қачон ниятига ета олмайди.

Ўн саккизинчи неварамга Сизнинг исмингизни қўйдим. Ҳамиша соғ-омон бўлинг, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Берди МАМАНОВ,
фермер, 70 ёшда
Қарши тумани.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!
Биз ҳамиша Сиз билан бирмиз. Икки ўлим вояга етган, улар Ватан, истиқлол, Сиз учун, тинчлик ҳимояси учун ҳар қандай курашга тайёр! Мен отаман, ота учун фарзанд азиз, аммо ҳаётимизга, келажагимизга тажовуз қилганлар қўлида қурбон бўлгандан кўра мамлакат осойиши йўлида фидо бўлиш минг марта афзал-ку!

Ёвузлик бизга кўп ҳикматларни англатди. Шулардан бири — яхшига яхши, ёмонга ёмон бўлишдир.

Муҳиддин НАРЗИҚУЛОВ,
Гулистон шаҳри,
Тинчлик кўчаси.

Ҳар куни беш вақт намозимда юртимизга тинчлик тилайман, юртбошимизни дуо қиламан.

Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан асрайди.

Фотима МИНИБОЕВА,
нафақахўр,
Янгийўл шаҳри.

Ғазандалар тегишли жазо олгай! Мамлакатимиз равнақи йўлида юртбошимизнинг халқимизга раҳнамолиги пойдор бўлсин!

Ғофир СОБИРОВ,
1-гуруҳ ногирони,
Хоразм вилояти,
Хазорасп тумани, А. Ёқубов номли жамоа хўжалиги.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!
Экстремистларнинг бу ғаразли ҳуружи қалбларимизни ларзага солди. Бу — йил сайин кучайиб бораётганимизни кўролмаётган бир гуруҳ нопок, қора ниятли кимсаларнинг иши. Бошимизда Сиз борсиз, орқангизда бутун Ўзбекистон халқи турибди.

Юракдан қуюниб айтган гапларингизни телевидение орқали кўриб-тинглаб, ўзимизни янада Сизга суяниб қолгандек, атрофингизга кўпроқ жипслашгандек сездик. Сизга янада кўпроқ мададкор бўлиш истаги, менимча, ҳар бир виждонли ўзбекистонлик қалбида жўш урди.

Комилжон МАМАЖОНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Фарғона вилояти,
Тошлоқ тумани.

Насиб этса, Наврўзимизни ҳам зўр кўтаринкилик билан байрам қиламиз. Биз бутун ансамблимиз билан шу байрамнинг пойтахтимиздаги танталарида иштирок этиш учун янада қизғин тайёргарлик кўряпмиз. Ҳеч қандай куч халқимизни руҳан синдира олмаслигини ғаламисларга кўрсатиб қўйишимиз керак.

«Сумалак» ансамбли аъзолари,
Андижон шаҳри.

Тошкентдаги фалокат биз — чегарачилар сергаклигини янада оширди. Ватан биз учун муқаддас. Унинг жанубий чегаралари ишончли қўлларда. Юрт ҳимояси учун, керак бўлса жонимизни ҳам беришга тайёрмиз!

М. ЎТАГАНОВ,
Термиз шаҳри.

Муҳтарам Ислом Каримов!
Истиқлол йиллари аждодларимиз руҳини шод этиш борасида қилинган ишлар иймони саломат мўминларни қанчалик қувонтирган бўлса, муқаддас динимизни ўзларининг ғаразли, қабиҳ мақсадлари сари бурмоқчи бўлган беиймон кимсаларни ҳасад ўтида шунчалик куйдираётгани рост. Бегуноҳ мўминлар ўлимига сабаб бўлган пойтахтдаги қўпорувчилик ҳам эҳтимол шундай бадниятли кимсалар кирдикоридир?! Лекин улар ниятларига ета олишмайди.

Сизни ҳамиша Аллоҳ ўзининг паноҳида асрайди, Имом ал-Бухорий, Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий каби мўътабар боболаримизнинг руҳлари қўллаб-қувватлайди.

Имом ал-Бухорий номли мактаб ўқувчилари,
Челак тумани.

Иқтисодий устуворлик йўлида

Навбаҳор тумани ҳокими Ғулом Облақулов билан мулоқот

Қисқача суҳбатдош ҳусусида
Ғ. Облақулов 1963 йилда Навбаҳор туманининг Янгиқўрғон қишлоғида туғилган. Тошкент Политехника институтининг муҳандис-механиклик ҳамда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Халқ хўжалик институтининг иқтисодиёт факультетини тугатган. Дастлабки меҳнат фаолиятини туманлараро қишлоқ хўжалик техникалари таъмир-таъминот бирлашмасида оддий таъминотчиликдан бошлаган. Кейинчалик шу бирлашмада бўлим бошлиғи, директор бўлиб ишлаган. 1995-97 йиллар давомида эса Навоий вилоят қишлоқ хўжалик техникалари таъмир-таъминот бирлашмаси раиси вазифасида фаолият кўрсатган. 1997 йилдан бошлаб Навбаҳор тумани ҳокимидир. Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг депутати. Оилалик, 5 та фарзанди бор.

— Ғулом Бобоқулович, суҳбатимиз давомида маълум бўлдики, 34 ёшингизда ҳоким сифатида иш бошлаган экансиз. Бу ёшда раҳбарлик қилиш, қоларверса 80 мингдан ортиқ аҳолиси бўлган катта бир туманнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишнинг ўзи бўлмайди. Шундай экан, ҳоким тарзидаги дастлабки иш кунларингиз ҳақида тўхталсангиз?

— Тўғри, олдинига анча қийналдим. Бироқ ёшми-қарими, кимдир шу ишни қилиши керак-ку! Бунинг устига юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ёшлар бу сиёсий куч, истиқбол таянчи демакдир. Шундай экан, ёшлик ғайратшижоати билан ишлашимиз давр талабидир. Мана йилмайил оладиган бўлсак, қарийб 3 йилдирки, асосан Навоий тумани ҳудудлари ҳисобидан ташкил этилган кенжа бир туманга ҳокимман. Туман тарихи узоққа бормайди. Навқирон бу туман аслида саксонинчи йиллар охирида ташкил этилган. Аммо шўролар даври «урра-урра»чилиги билан мазкур туман икки маротаба тугатилиб, қайтадан яна тикланган. Шунинг учун ҳам унинг иқтисодиёти, ислоҳотлари ночор аҳволда қолган. Энг ачинарлиси ободончилик, қурилиш ишларининг парокандалиги эди. Ҳалигача туман маркази — Бешрабодда маданият саройлари, музейлар, замонавий кино-театрлар йўқлиги ҳам ишимизнинг нечоғли мураккаблигидан далолат беради. Ана шундай бир шароитда иш бошлаганман.

Аммо, юқорида қайд этганимиздек ёшлик ғурури, жасорати сабабми, жуда қисқа вақт ичида энг катта салоҳиятли ишларни ҳал этдик. Туман марказий касалхонасини энг замонавий тиббий асбоб-ускуналарига эга бўлган, Ғарб андозаси даражасида қурилган кўп қаватли бинога кўчириб ўтказдик. Бу касалхонада ҳар суткада 285 беморга тиббий хизмат кўрсатиляпти. Шунингдек, бир йил давомида туман прокуратураси, суди, солиқ бошқармаси, ҳарбий комиссариат, агросаноат уюшмаси, марказий дорихона биноларини қуриб битказиб, аҳоли оғирини енгил қилдик. Янгидан 3 та мактаб, 4 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, қариялар оромгоҳи, болалар боғи қурилишини ҳам тугатиб, фойдаланишга топширдик. Хуллас, мустақиллик шарофати билан кейинги 2 йил ичида бир қатор ишлар уддалаб қўйилди. Айниқса, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашда туб бурилишга эришилди. Олис ўтмишда арзон ёқилғи, «зангори олов» нималигини билмаган навбаҳорликлар эндиликда кўмирсиз, ўтинсиз иссиқ хоналарда, данғиллама ҳовлиларда истиқомат қилишаяпти. Туманнинг «Зарафшон», «Янгиқўрғон», «Истиқлол», «Гигант», Алишер Навоий номли, Йўлдош Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари тўлиқ газлаштирилди. Биргина ўтган 1998 йилнинг ўзида туман бўйича 102 километр масофага газ қувурлари тортилиб, унинг умумий ҳажми 302 километрга етказилди. Натижада туман бўйича табиий газга эга бўлиш қарийб 60 фоизга етиб қолди. Режамиз бу йил ҳам камида 150 километр масофага қувурлар тортиш ва ўнлаб қишлоқларни ўрта босимли табиий газ билан таъминлашдан иборат. Худди шундай тоза ичимлик суви масаласида ҳам туман бўйича 57,8 фоизлик иш бажарилган. Туманнинг «Гигант», «Истиқлол» жамоа хўжаликлари аҳолиси Дамхўжа сувидан баҳраманд. Амалдаги йилда ҳам бу хайрли иш икки ҳисса оширилади.

— Президентимиз иқтисодиётнинг сиёсатдан устувор бўлишини, фуқаролар ижтимоий ҳимоясида ҳам, хўжалик юритиш тизимида ҳам бу қонунга чинакам амал қилишни кўп бора таъкидлади. Шундай экан, энди тумандаги иқтисодий устуворлик, иқтисодий ислоҳотлар ҳусусида ҳам тўхталсангиз?

— Бир сўз билан айтганда, нафақат хўжалик ёки туманда, балки ҳар бир оилада аввало иқтисод шаклланган бўлиши керак. Иқтисодий ночор кишидан ташаббус ва ташкилотчилик кутиб бўлмайди. Ҳоким сифатида менинг асосий талабим: хоҳ у раис, хоҳ у бригадир, хоҳ у бирор бир ташкилот ёки корхона раҳбари бўлсин, аввало ўша раҳбардан ўзига бўйсунувчи фуқароларнинг ижтимоий ҳисмоясини, яшаш турмуш тарзини сўрайман. Менга режа кетидан қувиш, ҳавоий шуҳратларга берилиш, халқни қақшатиб, молиявий аҳволини ўнглаш асло керак эмас.

Бизнинг мусоҳаба

Ўтган 1998 йилда туман бўйича 27,5 минг тонна дон, 28,4 минг тонна пахта, 161 тонна пилла, 21,3 минг тонна сут, 5343 тонна гўшт, 4,5 минг тонна сабзавот, 2,5 минг тонна мева, 1,5 минг тонна картошка ишлаб чиқарилди. Худди ана шу рақамларни 1997 йилга нисбатан таққослайдиган бўлсам биргина пахтанинг ўзи 6 минг тонна, дон эса 4 минг тоннага ошганлигини кўрамиз. Бошқа турдаги маҳсулотлар ҳам кескин кўпайган. Энг муҳими маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кетган таннархларнинг олдинги йилларга нисбатан муттасил камайганидир. Масалан, вилоятда ҳар центнер пахта таннархи 2420 сўмни ташкил этган бўлса, бизнинг туманда бу кўрсаткич 2254 сўмни ташкил этади. Дон ишлаб чиқаришда ҳам худди шундай иқтисодий ҳолатга эришилган. Вилоятда ҳар центнер дон учун 1049 сўм таннарх белгиланган бўлса, Навбаҳорда 1036 сўм. Таннарх қанча камайса, даромаднинг муттасил ошиши тайин. Вилоят бўйича бир тонна буғдойдан 33 минг 533 сўм даромад олинган бўлса, бизнинг туманда ҳар тонна дондан 41 минг 327 сўмдан даромад олинди. Қачонки, даромад буромадни қопласагина, иқтисодий устуворлик таъминланиши, молиявий ўнгланиши муқаррар.

Ҳозирги бозор муносабатлари даврида, айниқса қишлоқ хўжалик техникалари, уларнинг эҳтиёт қисмлари нархлари осмонда бўлган бир пайтда ҳар бир раҳбар чинакам иқтисодчи, чинакам ҳуқуқшунос бўлмоғи лозим. Акс ҳолда кунора ўсаётган нарх-наво олдида довдираб қолиш ҳеч гап эмас. Кам сарфлаб, кўп олишни, уддабурон ва тежамкор бўлишнинг йўлини ўйлашимиз шарт. Якунланган 1998 йил сарҳисоби шуни кўрсатдики, биз пировард натижага кўра йилни муносиб якунладик.

— Туман ҳаритасидан маълумки, Навбаҳор ҳудудий жиҳатдан Хатирчи, Навоий, Конимех, Қизилтепа, Нурота туманлари билан чегарадош. Умумий майдонининг 80 фоизи чўл ва ярим чўлдан иборат. Бунинг устига тоғолди, дарёолди даҳалари, заҳли сизот сувлари яқин майдонлар, гипсли, ўта шўрланган ерлар ҳаддан кўп. Ана шу шароитлардан келиб чиқиб, кузги-қишки тадбирлар, янги йил деҳқончиликлари борасида ҳам фикр билдирсангиз?

— Туманнинг умумий майдони 157 минг квадрат-километрдан иборат бўлса, шунинг атиги 19 минг 205 гектари суғориладиган ер холос. Шу туфайли ҳам 50 фоизи насослар ёрдамида суғорилади. Бизни ташвишга соладиган бирдан-бир муаммо бу суғориладиган, унумдор ерларнинг ниҳоятда камлигидир. Аҳолига бериладиган уй-жойлар, бунёд этилаётган йўллар, қазиладиган коллектор ва дренажларни ҳисобга олганда ҳар йили ўртача 400-500 гектар энг яхши ерлар экиладиган ерлар режасидан чиқмоқда. Шунинг учун тонна ва салмоқдан юттираяпмиз. Бу йил навбаҳорликлар 30 минг тонна буғдой ва шунча миқдорда пахта етиштириши керак. Амалда эса 7962 гектар ерга кузги дон экилган. Бу олдинги йилга нисбатан 300 гектар кам. Пахтачиликда ҳам худди шундай ер камайганини кўрамиз. Бироқ нима бўлганда ҳам ҳосилдорликдан ютишни, шароитга, иқлимга мос уруғлик навлар топиб, режаларни беками-кўст бажаришни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Энди тоғолди, дарёолди лалми ерларга келсак, бу сарқаларда чорвачиликни босқичма-босқич ривожлантираяпмиз. Кейинги 2 йилда қўйлар бош сони қарийб 39 минг бошга, қорамоллар сони эса 3137 бошга етди. Йилқичилик, чўчқачилик, паррандачиликка асос солинди. Зарафшон дарёси соҳилида шоличилик тажриба, синов тарзида бошланди. Бизни ташвишга соладиган минтақавий экологик ҳолат бу — Навоий саноат корхоналарининг яқинлиги ва дарёга ГРЭСдан чиқадиган иккиламчи зарарли оқава сувларнинг ташланаётганидир. Худди шу салбий ҳолат «Янгиқўрғон», «Зарафшон», Алишер Навоий номли, Йўлдош Охунбобоев номли жамоа хўжаликларидан кўзланган ҳосилни ололмаяпмиз. Бунинг устига — дарёнинг ҳар баҳорда сел ва дўллар оқибатида тошаётгани ишнинг белига тепаяпти. Ўтган йили гулга кирган минг гектар майдондаги ғўзаларимиз сувнинг остида қолди. Шундай экан дарё ўзани масаласида ҳам кўп ишлашга тўғри келади.

— Энди охирги савол, бу кадрлар масаласи, уларнинг ўрни ҳақида. Хўш, ҳоким сифатида сиз кадрлар билан, айниқса, ёш кадрлар билан қай тартибда ишлаяпсиз? Улар ўз ўрнига қўйилганми?

— Юртбошимиз Ислом Каримов «Туркистон» газетаси муҳбири билан қилган мулоқотда келажакни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз, — дея алоҳида қайд этди. Шу боис, энди олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир. Мен мана шундай инсонлар ҳақида ўйлар эканман, дунёқараши мустақиллик йилларида шаклланган ёшларимизда келажак маънавиятининг умидбахш куртакларини кўргандек бўламан», деган фикрлари биз учун йўлчи юлдуз, муштарак вазифалар кўлами саналмоғи даркор. Шундай экан ёшлар билан ишлаш, уларни ташкилотчилик, ташаббускорлигига кенг йўл очиш биз ҳокимлар, раҳбарларнинг биринчи галдаги вазифасидир. Ҳозир туманимиз ходимларининг асосий бўғини бу асосан 35-38 ёш оралиғидаги кадрлардир. Бунга Н.Очилов, Л.Хайруллаев, Х.Қўлдошев, У.Нормуродов, Ш.Асадов, М.Қувондиқов каби ўнлаб ҳозиржавоб, сергайрат кишиларни кўрсатиш мумкин. Шунга ўхшаш яна кўплаб кадрларимиз борки, улар келгусида туман тараққиётига катта ҳисса қўшишлари, шубҳасиз.

Хуллас, мақсадимиз туман иқтисодий устуворлигига эришиш, аҳоли ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш, ислоҳотлар қўламини янада оширишдан иборат. Шундай экан ёшлар таянч нуқта, мустаҳкам замин, келажак яратувчиси эканини асло унутмаслигимиз зарур.

— Мароқли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош: Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Умумбашарий қадриятлар оламида

Тоқдор демократия мамлакати

1

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси гуруҳи таркибида, шу йилнинг февраль ойи биринчи ўн кунлиги давомида, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллигига, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, замонамизнинг илғор давлатлари орттирган сиёсий демократик тажрибани ўрганиш мақсадида, қилинган сафар жараёнида кўрган-кечирганларим мазкур мақолага ушбу сарлавҳани битишга асос бўлди. Айни пайтда, шуни алоҳида таъкидлашни хоҳлар эдим: мустақил Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг, биз демократиянинг умуминсоний яхлит моҳиятини эътироф этамиз, аммо, шунинг билан бирга, унинг, у ёки бу халқ, миллат, жамият шароитида, ўзига хос, масалан, АҚШда Японияда ўзгача, тарзда намоён бўлишини ҳам унутмаслигимиз лозимлиги тўғрисидаги, ўгитларнинг нақадар тўғри эканлигига, бутун сафар чоғида, яна бир бор иқрор бўлдим. Зеро, бундан бирмунча олдинроқ, мамлакатимиз парламентининг, юқорида зикр этилган мақсадда, АҚШ ва Германия давлатларига ташриф буюрган, гуруҳлари таркибида ҳам бўлган эдим. Ушбу, ҳозирги даврнинг пешқадам мамлакатлари ўзларида демократияни аллақачон қарор топтирган ва бу йўлдан собитқадамлик билан бораётган бўлсалар-да, бироқ, улардаги умуммоҳиятий демократик жараёнларнинг жиддий ўзига хос тарзда намоён бўлаётганлигини кўрмай сира илож йўқ. Шу боис ҳам биз мазкур мамлакатларга алоҳида-алоҳида ташриф буюрган ва улар ҳақидаги кўрган-билганларимизни, қоғозда, тегишлича, акс эттириб, муштарийлар эътиборига ҳавола этиш имкониятига мушарраф бўлаётган бўлсак, ажаб эмас.

Гуруҳимиз, роппа-роса бир ҳафта давомида, Буюк Британия парламентида, унинг асосий тузилмалари — қуйи ва юқори палаталар, уларда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар, қўмиталар, комиссиялар, идоравий хизматлар, шунингдек, мазкур мамлакат ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи нодавлат тузилмалар вакиллари билан 20 та учрашувлар ўтказди. Буюк Британия парламенти ва унда депутатларнинг ўрни, Ўзбек-Британия муносабатлари ва парламент, Буюк Британия парламенти Умум-палатасининг Марказий Осиё бўйича партиялараро комиссияси, доимий ва махсус қўмиталари, Лейбористлар, Консерваторлар, Шотландия миллий партиялари фаолияти, Инсон ҳуқуқлари бўйича парламент вакили (Омбудсман) ва нодавлат ташкилотлари (Инсон ҳуқуқлари бўйича қонун лойиҳаларини тайёрлашга учинчи партияларни жалб қилиш ташкилоти, Ирқий тенглик комиссияси) олиб бораётган ишлар, шунингдек, сиёсат, парламент ва оммавий ахборот воситалари, Буюк Британия ва Европа Иттифоқи, давлат ҳокимияти маҳаллий идораси ишини (бевосита жойида) ўрганиш каби масалалар улардан алоҳида ўрин эгаллади. Шунингдек, сафар чоғидаги маданий дастур доирасида Буюк Британия пойтахтининг маданият ўчоқлари, тарихий обидалари билан яқиндан танишиш имконияти яратилди.

Энг муҳими, мезбонлар бизни ниҳоятда илиқ кутиб олдилар, ҳар бир қабулда самимий ҳурмат билдирдилар. Сабаби: суҳбатдошларимизнинг муайян қисми, — парламент аъзолари ва бошқа мансабдор шахслар, — Ўзбекистонда бир ва ундан ортиқ маротаба бўлган эканлар. Уларнинг сўзлари ва меҳрли нигоҳларидан мустақил Ватанимиз, унинг халқига нисбатан ҳурмат, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнининг тўғри йўналишда бораётганлиги ҳамда Ўзбекистоннинг нурли истиқболига қатъий ишонч руҳини пайқаш қийин эмасди. Агар, буюк британияликларнинг оғир, вазмин, «ўз сўзини беҳудага шамолга ташламайдиган», «етти ўлчаб бир кесадиган», шошма-шошарликнинг ҳар қандай кўринишини истисно этувчи фазилатлар соҳиби бўлган халқ эканликларини ҳисобга оладиган бўлсак, мамлакатимизга нисбатан бундай муносабатнинг қиммати нақадар юксак эканлиги яққол намоён бўлади.

Дарвоқе, Буюк Британиянинг бутун тарихи ва ундаги ҳозирги турмуш даражаси ушбу мамлакатнинг халқига хос мазкур фазилатларнинг «очиқ китобидир». Буюк Британиянинг ўтмиши Ғарбий Европа давлатларига хос умумий жиҳатлардан мутлақ мустасно бўлмасада, бироқ, фақат унинг ўзига, халқига танҳо тааллуқли хусусиятлар мазкур мамлакат ҳудудида ҳозирги замон демократик тартиботларининг эрта илдиз отишига, барвақт куртак ёзишига ва уни Янги ҳамда Энг янги даврнинг қудратли давлатига айлантирди, бутунжаҳон тараққиётига унинг улкан, беқиёс ҳисса қўшишининг омили бўлди.

Буюк Британия халқига хос бундай хусусиятларнинг кўпини келтириш мумкин. Аммо, уларнинг ҳаммаси учун умумий «калит» бўлиб хизмат қилган битта жиҳат борки, шунинг ўзини келтирсак, ўйлаймизки, кифоя қилса керак. У ҳам бўлса — таълим-тарбия, ўқимишлилик. Аҳолининг ёппасига саводхон бўлиши ушбу мамлакатга хос хусусиятдир. Айни умумий таълимга, ўқимишлиликка азалдан катта эътибор бериш Буюк Британияда илм-фанни, олимлигу фозилликни энг нуфузли даражага кўтарди, халқнинг фаровон турмуш кечиришининг маънавий негизини яратишнинг омили бўлди. Жаҳон маданий ривожига Уйғониш даври номи билан кирган, Европа тарихида Маърифатчилик босқичи аталмиш — Янги давр фалсафаси ва тажрибавий фанларига асос солган мамлакат ҳам айни Буюк Британия бўлганлиги тасодиф эмас. Ф.Бэкон, Т.Гоббс, Дж.Локк, Д.Юм каби файласуфлар ва И.Ньютон, Р.Бойль, Р.Гук,

2

Дж.Брадлей, В.Гершель, Дж.Джоуль, Дж.Ралей, М.Фарадей, Дж.Максвелл, Ч.Дарвин, Г.Кавендиш, Э.Резерфорд каби табиатшунос олимларнинг номлари фалсафа ҳамда илм-фан тарихи саҳифаларига олтин ҳарфлар билан битилган. Бу ерда назарий кашфиётлар қоғозда қолиб кетмадилар. Улар машиналар, техника ускуналари, технологияларга айландилар ва, натижада, XIX асрнинг 20-йилларига келиб, Буюк Британияда бутунжаҳон саноат маҳсулотлари ҳажмининг ярми ишлаб чиқарилди. Шу боисдан, ушбу мамлакатни бежиз «дунё устахонаси», деб атамадилар.

Буюк Британия маданият намояндалари — ёзувчилар, шоирлар ҳам улкан мерос яратдилар. В. Шекспир, Дж. Свифт, Д.Дефо, Д.Г. Байрон, Ч.Диккенс, В.Скоттларнинг номлари етти иқлимга маълум ва машҳур. Қисқа қилиб айтганда, Буюк Британия кўп асрлик ижтимоий-сиёсий тадрижий тараққётининг туб негизида унинг серқирра маънавий ривожи ётганлигини эътироф этиш нафақат бориб турган ҳақиқат, балки, ўта фойдали сабоқ ҳамдир.

Мустақил Ўзбекистонда маънавиятга берилаётган эътибор, демакки, ушбу масалада, бизнинг, фақат ўз ўтмишимиз, ҳаётий тажрибамизгагина эмас, айни пайтда, жаҳон илғор тажрибаси сабоқларига ҳам таянаётганлигимиздан ёрқин далолатдир.

Биз Буюк Британиядаги маънавий равнақ билан сиёсий тараққиётнинг узвийлигини қуйидаги ҳолатларнинг ўзаро боғлиқлигида ҳам кўришимиз мумкин. Ўрта асрларда шаклланган анъанага мувофиқ, гуманитар таълимга устуворлик аҳамиятини беришга ихтисосолашган Оксфорд университетига 1167, Кембриж университетига эса 1209 йилда асос солинган бўлса, ҳозирги замон демократик тартиботларининг сарчашмаси — Буюк Британия биринчи парламенти 1265 йилда ташкил топган. XIV асрдан бошлаб, у икки палатадан иборат тартибда фаолият кўрсата бошлаган. Буюк Британияда, айни шу асрнинг охиридан эътиборан, крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилина борган. XVII асрга келиб, қирол ҳокимияти жиддий чекланади, парламентнинг аҳамияти ортади, иккипартиялилик (тори ва виги) тизими вужудга келади. Умум-палатада кўпчилик ўринни эгаллаган партия раҳбари бош вазир этиб тайинланадиган амалиёт қарор топади. XIX асрнинг ўрталарида тори негизида консерваторлар, виги негизида эса либерал сиёсий партиялари ташкил топади. 1900 йилга келиб, шу кунларда, яъни 1997 йилдан эътиборан, мамлакатни идора этаётган — лейбористлар партияси вужудга келади.

Демократик тартиботлар бутунжаҳон миқёсида кенг қарор топаётган давр — XX асрнинг сўнгги палласи демократик тамойиллари нуқтаи назаридан, ушбу йўналишда жиддий мумтоз ютуқларни қўлга киритган, мазкур ҳозирги замон умумбашарий жараёнига илк туртки берган, Буюк Британия давлат тузумида, бир қараганда, «ғалати» туюладиган жиҳатларни кузатиш мумкин. Гап шундаки, улар фақат «бир қараганда» шундай «ғалати» туюладилар. Аслида, ҳеч ҳам «ғалати» эмаслар.

Мана, масалан, Буюк Британия давлат тузумини олайлик. У парламентли монархия тусига эга. Тахтни мерос тарзида эгаллайдиган ва уни наслига мерос қилиб қолдирадиган қирол — давлат бошлиғи ҳисобланади. Мамлакат ўз Конституциясига эга эмас. Парламент қабул қиладиган ҳужжатларга қонун мақомини бериш учун қиролнинг имзоси талаб этилади. Қирол, шунингдек, суд тизимининг бошлиғи, қуролли кучлар бош қўмондони, давлат англикан черковининг дунёвий раҳбари ва Ҳамдўстлик (унга собиқ Буюк Британия империяси мустамлакалари ҳудудида ташкил топган, 54 та, мустақил давлатлар киради) рамзи ҳисобланади.

Бундан ташқари, Буюк Британияда парламент шундай бир ноёб кўринишга эга-ки, гўё, бу ерда давлат ҳокимияти қонунчилик ва ижроия тармоқларига бўлинмагандай...?! Аммо,бу ҳол ҳам, фақат, юзаки қараганда, шундай кўринади, холос.

Хўш, аслида қандай? Иш аслида, мана бундай: мамлакатда олий қонун яратувчилик ҳокимияти, Умум-палата ва Лордлар палатасидан иборат, парламентга тааллуқли бўлиб, Қиролнинг ўзи ҳам мазкур тузилманинг таркибий қисмини ташкил этади. Мамлакат парламент, олий юридик маҳкамалар ва судлар томонидан қабул қилинадиган қонун ҳамда ҳужжатлар асосида бошқарилади. 1707 йилдан бери биронта ҳам, парламент қабул қилган, қарор рад этилган эмас. Қиролнинг фаолияти, асосан, тантанали маросимларда, тож-тахт номидан, иштирок этиш доираси билан чекланган бўлиб, у мамлакатни бошқаришда бевосита иштирок этмайди.

Умум-палата Буюк Британия парламенти қонунятратувчилик ҳокимияти тизимида ўта муҳим ўрин эгаллайди. У 659 депутатдан иборат бўлиб, умумий яширин сайловлар орқали, тўппадан-тўғри, оддий кўпчилик овоз билан, 5 йил муддатга сайланади. Ҳар бир якка мандатли сайлов мавзеси таркибига 66.500 сайловчи киради.

Лордлар палатаси аъзолари умумий овоз бериш йўли билан сайланмайдилар. Унинг таркибига 1100 дан зиёд аъзо кириб, улар, асосан, ушбу мақомни илк парламент таркибида иштирок этганлар авлодидан авлодига мерос қилиб олувчилар, англикан черковининг епископлари, айрим олий судьялар, асосий сиёсий партияларнинг намояндалари ва алоҳида хизматлари учун бундай юқори мартабага «умрбод» лойиқ топилганлардан иборат. Лордлар палатасининг ҳуқуқлари Умум-палата ҳуқуқларига нисбатан чекланган бўлиб, жумладан, у

солиқ ва харажатлар билан боғлиқ масалалар бўйича қонун ташаббускорлиги билан шуғуллана олмайди ҳамда ушбу масаланинг кўриб чиқилишига монелик ҳам қила олмайди, шунингдек, ҳукумат режалаштирган молиявий харажатлар даражасини ижобат этмайди, уларнинг мақсадли сарфланишини ўз назоратида тутмайди.

Буюк Британия давлатида олий ижроия ҳокимияти Вазирлар Маҳкамасига (20 га яқин аъзодан иборат) тааллуқли бўлиб, уни Бош вазир, ўз партиясининг юқори мартабали намояндалари ичидан, шакллантиради. Бош вазир Қирол томонидан тайинланса-да, бироқ, ушбу лавозимга фақат сайловда кўп овоз олган партиянинг етакчиси лойиқ кўрилади. Вазирлар Маҳкамаси барча муҳим ҳукумат қарорларини қабул қилади ва Умум-палата олдида ҳисобот бериб туради. У, Умум-палата ишончини йўқотган тақдирда, истеъфога чиқади. Ҳукумат, унинг аъзолари, давлат котиблари, вазирлар, кичик вазирлар (маҳкамалар раҳбарлари) фаолияти устидан парламент, унинг қўмиталари, шунингдек, идора этувчи партиянинг тегишли тузилмалари, махсус комиссиялари назорат қиладилар. Ўз навбатида, ҳукумат, ўз ваколатларини амалга ошириш доирасида, парламент, унинг қўмиталари фаолиятига жиддий таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Буюк Британия парламенти деганда, айни пайтда, унинг, муайян маънода, ҳукумати ҳам тушунилади. Ҳукумат таркибига, бу ерда 80-100 та аъзо киради. Уларнинг кўпчилиги — Умум-палата депутатлари, айримлари — лордлар. У. Черчилль ўзини Буюк Британия парламенти руҳида тарбияланганлиги билан ғурурланганда, фикримизча, фақат депутат ёки лордлигини назарда тутмаган бўлса керак... Айни пайтда, ҳам ҳукумат, ҳам идора этувчи партия депутатларининг ҳаммаси устидан мухолиф партия қаттиқ назорат олиб боради. Ўзаро, бир-бири устидан, муросасиз назорат шу даражага бориб етганки, ҳатто, давлат томонидан маблағ билан таъминланадиган айрим (давлат ҳокимияти тизимининг самарали фаолияти учун зарур ҳисобланган) нодавлат ташкилотлари ҳукуматдан, парламентдан мутлақо мустақил тарзда бемалол фаолият кўрсата оладилар. Суиистеъмолчиликка йўл қўйишнинг, амалий жиҳатдан, бу ерда мутлақо иложи йўқ. Албатта, мустабид давлатчилик шароитида «суяги қотганлар» учун буни тушуниш жуда мушкул иш... Бироқ, бу ҳолат ушбу заминда мавжуд воқеликка айланган.

Бош вазир ҳафтасига 2, бошқа вазирлар ойига бир маротаба Умум-палатанинг (барча партиялардан сайланган) аъзолари саволларига жавоб берадилар. Қўйингки, саволжавоб деярли ҳар куни бор ҳисоби.

Қонунлар лойиҳаларини Умум-палатага, асосан, ҳукумат киритади. У, уч маротаба кўриб чиқилгандан кейин, қабул қилингани ҳолида, Лордлар палатасига ҳавола этилади. Лойиҳанинг бу ерда кўриб чиқилиши бирмунча чўзилиши мумкин, бироқ, одатда, у рад этилмайди...

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш билан доимий қўмиталар, вазирликлар, бюджет харажатлари, ички ва ташқи сиёсатнинг муайян долзарб муаммолари билан эса — ихтисослашган қўмиталар шуғулланадилар.

Сайловлардан тортиб, то парламент ва ҳукумат фаолиятининг турли йўналишларигача бўлган, барча серқирра жараён идора этувчи партиянинг раҳнамолигида ҳамда ҳамиша хушёр, синчков мухолифатнинг талабчан нигоҳи остида рўй беради.

Сиёсий партиялар Буюк Британия ижтимоий ҳаётида азалдан, бир неча асрлар мобайнида, муҳим ўрин тутадилар ва катта аҳамият касб этадилар. Мамлакатни 1997 йилнинг 1 май куни бўлиб ўтган сайловлардан кейин идора қилиб келаётган Лейбористлар партияси (раҳнамоси — Бош вазир Энтони Блэйр) 6 миллиондан зиёд аъзоларни бирлаштирган (шулардан 300.000 яқини шахсий, қолганлари — жамоавий, одатда, касаба уюшмаларидан иборат, аъзолар) бўлиб, Умум-палатада 418 та ўринни эгаллаган. Консерватив партия ўз сафларида 3 миллион атрофидаги аъзоларни бирлаштирган. У парламентнинг қуйи палатасида 165 депутатга эга. Либерал-демократлар ҳам етакчи партия ҳисобланади. Умум-палатада унинг 46 та вакили бор. Умуман, Буюк Британияда ўндан зиёд сиёсий (Уэльс, Шотландия миллий партиялари ва Шимолий Ирландияда 5-6 та) партиялар мавжуд. Улар парламентда нисбатан оз миқдордаги депутатларга эгалар.

Умум-палата спикери (шунингдек, унинг учта муовини) икки асосий партия вакиллари ичидан сайланади ва, одатда, пенсияга чиққунга қадар, сиёсий, партиявий бетарафлик қоидаларига тўла риоя этган ҳолда, ишлайди. У парламентнинг қуйи палатасида сиёсий бетарафлик тимсоли ва манбаи ҳисобланади.

Парламентнинг самарали ишини таъминлашда 2000 та атрофидаги давлат хизматчилари машғулдирлар. Улар, асосан, Оксфорд университетини битирганлар бўлиб, ниҳоят даражадаги талабчан танлов (барча даъвогарларнинг атиги 2 фоизи унга дош берадилар) орқали (танлов билим даражасини аниқловчи имтиҳон эмас, балки, ушбу хизматга мос келиш ёки келмасликни белгилаш синови) ишга олинадилар. Улар ўз ишларининг ўта моҳир усталари, сиёсий бетарафлик қон-қонига сингган кишилар бўлиб, барча имтиёзларни ҳисобга олган (жумладан, парламент аъзоларидан анча юқори маошни) ҳолда, сиёсий арбоб бўлишни ҳеч ҳам орзу қилмайдилар, шунингдек, то пенсияга чиққунга қадар, ҳеч қаёққа қарамай, сидқидилдан меҳнат қиладилар.

200 киши меҳнат қиладиган парламент кутубхонасининг таркибий қисми — Ахборот хизмати (умуман, тадқиқотчилар гуруҳида 80 киши бўлиб, улардан 40 таси мутахассислар) депутатларга, уларнинг қайси партияга мансуб эканликларидан қатъи назар, юқори малакали ёрдам кўрсатадилар, уларнинг минглаб буюртмаларини бажарадилар ва, айни пайтда, улар ҳам парламент аъзоларидан зиёдроқ даражада маош оладилар. Қабул қилинадиган қонунлар сифати учун масъулият ҳукумат зиммасида бўлгани боис, ҳуқуқий хизмат тузилмаси унинг таркибидан ўрин олган.

Нодавлат тузилмалари Буюк Британия ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутган, катта таъсир кучига эга бўлиб, барча идораларни, мансабдор шахсларни ўзлари билан ҳисоблашишга мажбур қила оладилар. Уларнинг аҳамиятини жамиятда чуқур тушунилганлигини шундан ҳам билса бўладики, улардан айримлари, масалан, жумладан Омбудсман, давлат бюджетидан таъминланадилар. Бундан ташқари, Омбудсман мазкур лавозимга умрбод муддат билан тайинланади. Оммавий ахборот воситалари мутлақо мустақилдирлар, уларнинг масъулияти қонунлар чегараси, нуфузи эса аҳолининг уларга муносабати даражаси билан белгиланади. Газеталар 3-4 миллион кишилик миқдоридаги муштарийларга эгалар ва, асосан, бошқа ОАВ каби, давлат ҳокимияти идораларига нисбатан, «абадий мухолифат» вазифасини ўтайдилар.

Жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар ҳеч қаерда расмий рўйхатдан ўтмайдилар. Улар ўзларининг ғайриқонуний ҳаракатлари учун, тегишли тарзда, жавоб берадилар. Умуман, Буюк Британияда тақиқланмаган нарсаларнинг ҳаммасига ижозат берилган, деган қоидага риоя этилади.

Мамлакатнинг ёзилган конституцияси бўлмасада, бироқ, ижтимоий ҳаёт фақат ва фақат қонунлар орқали бошқарилади. Парламент ўзининг қонун яратувчилик фаолиятида уларга ва ҳаёт синовидан ўтган урф-одатлар, анъаналарга асосланади. Айни пайтда, шуни ҳам айтиш лозимки, бу ерда, кейинги пайтларда, Асосий Қонун — Конституцияга эҳтиёжнинг тобора кўпроқ сезилаётгани ва бу ҳақда мунозаралар юз бераётгани тўғрисида ҳам гапирдилар.

Мухтасар қилиб айтганда, Буюк Британия парламенти мазкур мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг уриб турган юраги, сиёсий партиялар эса унинг жунбишга келтирувчи қон томирларидирлар. Парламент бу ерда — Умум-палата, Лордлар палатаси ва Қирол, шунингдек, муайян маънода, ҳукумат ҳамдир. Агар, мабодо, парламентни, унинг ўзи ичида фаолият кўрсатаётган, Лондоннинг қоқ марказида жойлашган, маҳобатли Вестминстер саройига қиёслайдиган бўлсак, у ҳолда, ушбу саройнинг, пойдеворидан то томигача бўлган, асосий қисмини Умум-палата, унинг марказий гумбазини Лордлар палатаси, устидаги қуббани — Қирол ташкил қилади. Ҳукуматсиз, яъни унинг парламент умумий тизимига, узукка қўйилган кўздек, кириши сиз, балки, ушбу маҳобатли сарой бунчалик муҳташам бўлмасди...

Буюк Британия парламентини ҳам тарихан, ҳам шу кун нуқтаи назаридан танқид қилувчиларни ушбу мамлакат ичида ва унинг ташқарисидан, хоҳлаганча, топиш мумкин. Биз ҳам уни илоҳийлаштиришдан йироқмиз. Бироқ, ҳозирги замон парламентларининг «момосини», ўрта асрларда, ўз даҳоси билан, яратган, уни, худди ўз Ватанини ривожлантиргани каби, етти асрдан бери муттасил такомиллаштириб келаётган, Буюк британияликларнинг ақлзаковати ўз муаммоларини ўзлари ҳал қилишлари учун етарлидир. Энг йирик тадбирлардан то парламентчилик фаолиятининг «кўз илғамас» икир-чикирларигача пухта ўйлаб тузилган муолажалар тизимининг, бамисоли, рисоладагидай ишлаётган, соат мурватларини эслатиши ҳамда ушбу «соатни» ҳар 5 йилда бир маротаба яхшилаб «бураб» турадиган — ўқимишли, маданиятли, сиёсий фаол Буюк Британия халқи — бунинг бош кафолатидир. Биз бунга давлат ҳокимияти маҳаллий (биздаги туман даражасидаги) идораси фаолиятини ўрганганимизда ҳам иқрор бўлдик.

Биз учун бу ерда тўпланган ижобий тажрибага диққат-эътибор қилиш, уни ўрганиш, баҳоли қудрат, ижодий, хусусиятларимизни ҳисобга олган ҳолда, қўллаш, шубҳасиз, фойдадан холи бўлмас?!

Юқоридагилар кўламида мамлакатимиз йўлбошчиси — И.А.Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида олға сурилган ғоя, қоида ва хулосалар ҳамда қўйилган вазифаларнинг, хусусан, юртбошимизнинг: ҳар бир фуқаронинг, миллатнинг тақдирига дахлдор нарсаларни ҳал этишда ҳамма нарсани ақл тарозисидан ўтказиш лозимлиги; адолатни ҳаётимиз тарзига айлантириш демократик тамойилларни турмушимизда изчил қарор топтириш билан боғлиқ эканлиги; бу ҳол, ўз навбатида, осонликча кечадиган жараён эмаслиги; шунингдек, бу соҳада тажрибамизнинг камлиги; демакки, илғор хорижий амалиётни ўрганишимиз зарурлиги; ва, энг муҳими, ўзимизнинг ёруғ келажагимизни, фақат, тараққиётимизнинг жиддий манбаларини тўғри белгилаб олиш, мустақиллигимизга, хавфсизлигимизга қарши таҳдидларга зарба бериш имкониятини яратувчи, халқни бирлаштириб, уни улуғвор мақсадларга сафарбар этишга қодир, миллий ғояга таянибгина, ўз қўлимиз билан, самарали қура олишимиз тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини, сўзсиз, исбот талаб қилмайдиган ҳаётий ҳақиқатлар, деб баҳолаш мумкин.

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси раиси

3 4

Чаппа луғатни биласизми?

Аслида бу ёруғ оламда ҳеч нарса янги эмас. Кўҳна дунё барчасига гувоҳ. Бизни ҳаяжонга солаётган илм, маърифат, маънавиятнинг тамал тошини балки, дунёга илк қадам ташлаган аждодларимиз қўйишгандир.

Илм бу авлодларга қолдириладиган меросдир. 1969 йилда самарқандлик тилшунос олимлар Р.Қўнғуров, А.Тихоновлар томонидан туркологияда илк тўнғич луғат, «Ўзбек тилининг чаппа луғати» яратилган эди. Мана ушбу асар 30 ёшга тўлибди. Лекин шундай луғат борлигини биласизми?

Аслида чаппа луғат дегани нима дегани? Унинг бошқа луғатлардан фарқи қандай?

Ҳозиргача нашр этилган ва нашр этилаётган изоҳли, имло ҳамда икки тилли луғатлардан фарқли ўлароқ, чаппа луғатда сўзлар биринчи товушларга қараб эмас, балки охирги товушларга қараб жойлаштирилган.

Мисол учун:

бақо даҳо бебаҳо
интиҳо
дорилбақо танҳо
мутлақо аждарҳо

Ушбудан кўринадики, бир хил морфемага эга бўлган сўзлар ёки бир хил усул билан ясалган сўзларнинг ҳаммаси, одатда юқоридагидек бир қаторга тўпланади. Демак луғат ўзбек тили сўз ясаш тузилишини ўзида акс эттира олади.

Китобга ёзилган сўзбошида асар муаллифлари қуйидагиларни баён этишган: Кўлланма шоирларга, ўзбек поэзияси сирларини ўрганувчиларга ёрдам беради. Сабаби, унда ўзбек тилидаги қофиядош сўзларнинг ҳаммаси бир жойга ўрнашган бўлиб, лозим топилганда ундан бемалол фойдаланиш мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам ижодкорларимиз, қофиядош сўзларни ахтариб неча-неча тунларни бедор ўтказганликлари ҳақида кўп эшитганмиз, ўқиганмиз. Керак пайтида, излаган сўзинг хотирага келавермайди. Чаппа луғатга эҳтиёж ҳар бир шоирда сезилаверади. Бизнинг назаримизда инсоннинг ақли билан яратилган мўъжизалар узоқ йиллар, асрлар келажак авлодларга хизмат қилади.

Бир одамнинг узоқ йиллик азиятлари, тунларни бедор ўтказиши, ўз оромини унутиб, луғат тузишдек масъулиятли вазифага киришиши, бу ўн минглаб одамларнинг оғирини енгил қилишга хизмат қилади. Аслида биз мазмун-моҳиятини излаётган маънавият шу эмасми. Ўз камтарона меҳнатини кўзкўз қилмасдан, ҳақиқий ихтирони янгиликни тарғиб қилмасдан яна янги-янги луғатлар устида иш олиб бориш, фидойилик эмасми. Инсон салоҳияти, уни изланиш ва имкониятлари чексиз эканлигига яна бир бор ишонгинг келади. Шундан бўлса керак, сен айтмоқчи бўлганингни ёки бор овозинг билан янгилик дея жар солганингни, кимдир бир пайтлар айтганига, лекин янгилик дея ҳайқирмаганига дуч келганингда ажабланасан, кўҳна дунё китобида айтилмаган ҳеч нарса қолмаганига яна бир марта ишонч ҳосил қиласан.

Луғат тузиш меҳнатининг машаққатлари ҳақида жуда кўп гапирилган, лекин мени бошқа бир савол ўйга толдиради. Бу биз қадрига етолмаган унсур кишилар, уларнинг муаллифларидир. Мен ушбу қарздан қутулиш ниятида сизга савол билан мурожаат қилдим. Ўз ичига 30 минг сўзни қамраб олган «Ўзбек тилининг чаппа луғати»ни биласизми? Ушбу муҳим ва оғир меҳнатни шарафли адо этган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Раҳматулла Қўнғуров ва профессор А. Тихоновларнинг юқорида тилга олган луғатлари қаерда, қанча нусхада чоп этилганидан хабардормисиз?

Азиз замондошим! Маънавиятимиз сарчашмаларидан бири бўлган мўйсафид СамДУ ва унда яратилган чаппа луғат китоб жавонимизни безаса қани. Менинг назаримда маънавий оламимиз яна бир муҳим асар билан бойирди. Чунки яратилганига 30 йил тўлган ушбу асар, жуда кам нусхада СамДУ нашриётида босилган. Ушбу асарнинг муаллифларидан бири раҳматли профессор Р. Қўнғуров вафотидан олдин чаппа луғатнинг тўлиқ, тўлдирилган шаклини нашрга тайёрлаб кетганлар.

Уни нашр этиш, кенг ижодкорлар оммасига етказиш эса биз тирикларнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир.

Фаррух ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 23 fevral, seshanba № 23 (24.418).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Мўғул босқинчиларига қарши озодлик уруши олиб борган улуғ саркарда Жалолиддин Мангуберди қандай зот эди? Табиатан кучли, довюрак, полвонкелбатмиди ёки донишманд қиёфа, ҳарбий салоҳияти бетакрор инсонмиди? Буни аниқ билмаймиз. Тарихчиларнинг узуқ-юлуқ тасвирлари барибир улуғ ватанпарварнинг суратини тўлиқ тиклашимизга хизмат қилолмайди...

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги қарори мустақиллик йўлидан дадил бораётган юртимиздаги кўплаб инсонларнинг кўнглидаги армонларини ушалтирди, ўқув даргоҳларида афсонавий саркарда ҳаёти, ҳарбий маҳорати борасида ёшларга таълим-тарбия бериш ишлари бошлаб юборилди.

Бахтиёр Яхшимуротов юқори синф ўқувчиларига Жалолиддин Мангуберди билан мўғуллар ўртасида Синд дарёси бўйида бўлиб ўтган омонсиз жанг борасида дарс-суҳбат ўтказаётгандек бир қаторга тўпланади. Демак луғат ўзбек тили сўз ясаш тузилишини ўзида акс эттира олади.

Муносиб ворислик



Яқинда Хоразмнинг икки бурчида жойлашган иккита ўрта мактабда бўлдик. Хива туманидаги 1-сон ўрта мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Йўлдош ака Рўзматов мавзуларини ўтказаётган хона деворида осиғлиқ турган саркарда қиёфасида эса донишмандлик, улуғворлик мужассам. Унинг ўткир нигоҳида навбатдаги ғалаба нашидасини кўрамиз.

Икки муаллимнинг тарихдан сўзловчи машғулотидан сўнг бир ҳақиқатни англадик. Гап суратда эмас экан. Мазмун — сийратда акс этган.

Ватан нима, ватанпарварлик қаердан бошланади? Бу саволларга ўтмишдаги улуғ боболаримизнинг ибратли ҳаёти, кураш жабҳалари, шаҳид кетмиш жувонмард руҳлари жавоб айтади...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири
Саъдулло БОБО олган
суратлар

Қадоқланган ёғ

«Когонёғ» ҳиссадорлик жамияти аъзолари асримизнинг сўнгги йилини қадоқлаш цехини ишга тушириш билан бошлашди. Корхона даромади ва чет эл сармоядорларига сотилган ашёлардан тушган маблағ ҳисобига барпо этилган цех Франциянинг «Стега» фирмаси технологияси билан жиҳозланган. Бир кечакундузда 6 тонна ёғ 1 литрли елим идишларга қадоқланмоқда. «Бултур 15213 тонна пахта ёғи, 1248 тонна хўжалик совуни ишлаб чиқаришга эришдик, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Н. Шарипов. — Янги цех ортиқча харажатларга чек қўяди, исрофгарчиликнинг олдини олади».

Даврон БАҲРОНОВ

Учрашувлар, мулоқотлар

Шахмат мухлисларининг фахри бўлиб қолган Рустам Қосимжоновнинг Голландияда ўтказилган нуфузли мусобақадаги ўзига хос муваффақияти ҳақидаги гапсўзлар оғиздан-оғизга кўчиб юрибди. Гроссмейстеримиз билан турли учрашув, мулоқот ва давралар ўтказилмоқда. Ана шундай йиғинлардан бири Тошкент Давлат университети ёшлари ҳамда мазкур илмгоҳ қошида ташкил этилган дастлабки лицей талабалари билан уюштирилди. Ўқув масканида Рустам қизиқарли ҳикояларни баён этди. Бир қанча шахмат тахтасида ўйин сеанси ўтказди.

Шатранж оламида

Гроссмейстерлик талаби

Екатеринбург шаҳрида эркак ва аёл шахматчилар ўртасида нуфузли халқаро турнир бўлиб ўтди. Мусобақада кўп карра Ўзбекистон чемпиони халқаро мастер Рена Мамедова кутилмаган ажойиб натижа кўрсатди. У олти учрашувни ютиб, тўрттасини дуранг ва биттасини бой берган ҳолда 11 имкониятдан саккиз очко жамғариб, халқаро гроссмейстер унвони учун зарур балл талабларини ортиғи билан адо этди.

Қизғин ва кескин

Эронда ўтказилган халқаро мусобақада вакилимиз гроссмейстер Михаил Салтаев бешинчи соврин эгаси бўлди. Халқаро гроссмейстер Александр Ненашев, халқаро мастерлар Дмитрий Қаюмов ва Шуҳрат Сафинлар эса Францияга жўнаб кетишди. Улар Де Гранде деб номланувчи навбатдаги халқаро фестивалда иштирок этадилар. Айни кунларда «Пахтакор» стадионидаги республика шахмат клубида хотин-қизларнинг навбатдаги Ўзбекистон чемпионати биринчи лига турнири давом этмоқда. Турли вилоят ва шаҳарлардан тўпланган шахматчилар швейцарча усулда баҳс юритиб, ораларидан апрель ойида ўтадиган олий лига мусобақасида қатнашувчи беш ғолибни аниқлайдилар. Иштирокчиларнинг иқтидорли ёш қизлар эканлиги боис баҳслар қизғин ва кескин тус олмоқда.

Мамажон МУҲИТДИНОВ

Анонс!

Ўзбекистон Республикаси Банкротлик қонунининг 7-моддасига мувофиқ тўловга қобилиятсизлиги муносабати билан Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво аризаси тақдим этилганлиги ва ариза иш юритишга қабул қилинганлиги муносабати билан қуйидаги корхоналарнинг:

1. «Ирдико Экспресс»
2. «ПКФ «Майло — КТ»
3. ЧФ «Тамила»
4. ЧПКФ «ЛАГНО»
5. Фирма «Дин Чер и К»
6. ООО «Колокольный звон»
7. ПКФ «ЧОСОН»
8. ПКФ «Абсолют»
9. МП «Бек Ҳамкорлик»
10. ЧПКФ «Мирвло»

эълон чиққан куннинг эртасига соат 11.00 да Тошкент шаҳри Мовароуннаҳр кўчаси, 33-уйнинг 2-қавати 3-хонасида кредиторларнинг биринчи йиғини бўлиб ўтади.

«Тафаккур» журнали жамоаси таҳририят ходимаси Мавлуда Эштўхтаровага отаси

Ҳолиёр ЭШТЎХТАРОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Арнасой туманидаги «Нарвон» фермер хўжалиги жамоаси фермер Азиз Сайидқуловга падари бузруквори

САЙИДҚУЛ БОБОнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси «Дори-Дармон» давлат акционерлик уюшмаси бошқаруви ва жамоаси Сурхондарё вилояти «Дори-Дармон» давлат акционерлик бирлашмаси бошқаруви раиси

Искандар ХЎЖАҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан мар-ҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

ОАО «GALLA-ALTEG»

извещает о проведении годового общего собрания акционеров по итогам 1998 года.
Наименование общества ОАО «GALLA-ALTEG».
Местонахождение общества г. Ташкент, ул. Эльбек, 37.
Дата 25 марта 1999г. время 14.00.
Место проведения общего собрания актовый зал ОАО «GALLA-ALTEG».
Дата закрытия реестра акционеров 23.02.99г.

Повестка дня общего собрания:

1. Об итогах деятельности общества за 1998г.
2. Утверждение годового баланса и заключения аудиторской проверки.
3. Отчет ревизионной комиссии.
4. Утверждение размера дивидендов, выплачиваемых по итогам 1998г.
5. Заключение договора на использование дивидендов по государственной доле акций.
6. Утверждение плана техперевооружения и реконструкции акционерного общества.
7. Выпуск второй эмиссии акций.
8. Довыборы в состав правления АО.
9. Разное

Бухгалтерский баланс

№ п/п	Наименование показателей	Значение показателя т.сум
1.	*Долгосрочные активы*	115795
2.	*Оборотные активы*	1115586
	ВСЕГО АКТИВОВ:	1231381
3.	*Источники собственных средств, в.т.ч Уставной фонд*	173386 85819
4.	*Обязательства*	1057995
	ВСЕГО ПО ПАССИВУ БАЛАНСА	1231381

ОТЧЕТ ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТАХ		
№ п/п	Наименование показателей	Значение показателя т.сум
1.	*Выручка от реализации продукции (работ, услуг)*	2890474
2.	*Финансовый результат продукции (прибыли или убытки) от основной деятельности*	61209
3.	*Финансовый результат (прибыли или убытки) от общехозяйственной деятельности*	143154,4
4.	*Чистая прибыль (убыток) за отчетный год*	29231,1

Аудиторская проверка финансово-хозяйственной деятельности проведена независимым аудитором «Аудит М.С.» лицензия № 390 от 17 октября 1997 г.
Акционеры могут ознакомиться с информацией материалами, подлежашей представлению акционерам при подготовке общего собрания в Наблюдательном совете по адресу: г. Ташкент, ул. Эльбек, 37 и реестросодержателя — ДП «Прогноз-плюс»: г. Ташкент, ул Навои, 18. Тел: 41-46-50.
Наблюдательный совет

ОАО «GALLA-ALTEG»

Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти (ҳозирги Жаҳон тиллари университети) томонидан 1990 йили Эшбоева Гавҳар Ҳикматовна номига берилган, 12004 сон билан рўйхатдан ўтказилган 868598 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.

Факс —133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Юсуф ЖЎРАЕВ,* навбатчи *Маъмуржон ҚИЁМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида. А—2 форматида. 25.805 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 089

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 00.40
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА